

**COURSE «BANK AUDITING»**  
**LECTURE #9**  
**AUDIT OF CURRENCY TRANSACTIONS OF BANKS**

**Rizaev N.K. - DSc**

---

**“БАНК АУДИТИ” ФАНИ**  
**9-МАВЗУ**

**БАНКЛАРДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ**  
**АУДИТИ**

**РИЗАЕВ Н.К - DSc**

---

**Режа:**

- 1. Банкларда валюта операциялари аудитини ташкил этиш**
- 2. Кассали валюта операциялари аудити**
- 3. Муддатли валюта операциялари аудити**

**Таянч сўз ва иборалар:** Валюта, валюта операциялари, ижобий курс, салбий курс, валюта ҳисоботи, валюта операциялари аудитини режалаштириш, аудит дастурини тузиш, аудит ҳисоботи, аудит хулосаси, валюта операциялари аудитини ўтказиш.

**1. Банкларда валюта операциялари аудитини ташкил этиш**

Валюта операциялари – валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар.

***Жорий халқаро операциялар жумласига қуйидагилар қиради:***

- ташқи савдони, бошқа жорий фаолиятни юритиш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) муносабати билан тўланиши лозим бўлган барча тўловлар;
- фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар, лизинг бўйича фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида,

шунингдек бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши лозим бўлган тўловлар;

- кредитни (қарзни) тўлаш даврида қарзнинг олинган, шартномада кўрсатилган тўлаш даврлари сонига нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинган қисмининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги суммани тўлаш;
- носавдо тусидаги пул ўтказмалари.

***Носавдо тусидаги пул ўтказмалари жумласига қуйидагилар киради:***

- жисмоний шахслар ўртасида юз миллион сўм эквивалентигача бўлган миқдордаги пул ўтказмалари;
- шахсий эҳтиёжлар учун товарларга (хизматларга, ишларга) ҳақ тўлаш;
- иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;
- ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;
- таълим, даволаниш ва туризм учун ҳақ тўлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;
- нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;
- суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов органларининг ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш;
- халқаро конгрессларда, симпозиумларда, конференцияларда, спорт тадбирларида ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувларда, кўргазмаларда ва ярмаркаларда иштирок этиш учун тўловлар, бундан инвестицияга оид ва моддий харажатлар мустасно;
- вафот этганни дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;
- муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;
- халқаро нотижорат ташкилотларга бадаллар.

Капитал ҳаракати операциялари жумласига жорий халқаро операциялар бўлмаган барча халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари, шу

жумладан қуйидагилар киради:

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш, жумладан резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;
- кредитлар (қарзлар) олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;
- кўчмас мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш;
- чет давлатлардан маблағларни жалб этиш ҳамда уларни чет давлатлардаги ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқни тўлиқ олиш ёки сотиш.

Тижорат банкларида барча валюта қийматликлари билан амалга ошириладиган операциялар ўз характери ва намаён бўлиш усулига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. Спот типидagi валюта операциялари;
2. Муддатли валюта операциялари:
  - Форвард типидagi валюта операциялари;
  - валюта опционлари билан боғлиқ валюта операциялари;
  - валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.
2. Своп типидagi валюта операциялари.

***Муддатли валюта операцияларининг икки хусусияти келиб чиқади:***

1. Битим тузилиши билан бажарилиш ўртасида маълум давр вақт бор.
2. Муддатли валюта операциялар бўйича валюта курси, маълум муддат ўтганидан кейин фойдаланилса ҳам, битим тузилаётган пайтда белгиланади.

Одатда бу операциялар валюта курси ўзгаришидан химояланиш ёки кўшимча фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Муддатли валюта операцияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- «форвард» операциялари
- «фьючерс» операциялари
- «опцион»лар билан операциялар

- «СВОП» операциялари
- «валюта арбитражи»

<p>Форвард валюта битими</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• - бу воз кечиб бўлмайдиган ва банк билан унинг миждоми ўртасидаги маълум миқдордаги келишилган валютани битим тузилаётган вақтда қайд қилинган айирбошлаш курсида келажак муддатларда амалга ошириш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишидир.</li> </ul>
<p>Валюта фьючерс</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• - бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома бўлиб у бўйича сотувчи кўрсатилган муддатда ўрнатилган муддатда ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.</li> </ul>
<p>Валюта опцион</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• харидорига маълум бир муддат ёки муддат оралиғида маълум бир қийматдаги валютани опционда белгиланган нарх бўйича сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини беради.</li> </ul>

## 2.Кассали валюта операциялари аудити

Ўзбекистон Республикасида кассали валюта операциялари валюта операцияларни амалга ошириш бўйича бош лицензияга эга бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Кассали валюта операцияларига спот операциялари ва конверсион операциялар киради.

- Жисмоний шахсларга валюта айирбошлаш операциялари валюта айирбошлаш шохобчалари, чакана амалиётлар кассалари, автоматлаштирилган банк шохобчалари, банкоматлар, махсус дастур ҳамда тижорат банкларининг тегишли таркибий бўлинмалари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда валюта айирбошлаш операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 29 июндаги «Тижорат банкларида

жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 3029-низом талаблари асосида амалга оширилади.

Валюта айирбошлаш шохобчаси — резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг (бундан буён матнда жисмоний шахслар деб юритилади) нақд ёки халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини нақд миллий валютага айирбошлаш, халқаро тўлов карталардаги маблағларни нақд шаклда ечиб бериш ва жисмоний шахсларга нақд чет эл валютасини сотиш операцияларини, шунингдек 3029-низомда белгиланган бошқа банк хизматларини кўрсатувчи турғун шохобча.

**Чет эл валютасини сотиб** олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

**Операцион кун давомида** тижорат банки томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курси ўзгартирилиши мумкин

**Чет эл валютасини** айирбошлаш операциялари базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ЯТТдан қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) талаб этилади (чет эл валюталарини сотиш операцияси бундан мустасно) ва ушбу ҳужжат нусхалари операцияларни амалга оширган ходимлар томонидан банк кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Чет эл валютаси учун тўлов жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан миллий валютада тижорат банкининг операция бажариладиган кундаги сотиш курсида амалга оширилади ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатнинг (чек ва бошқа) асл нусхаси миждозга берилади, нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

- Дебет 22617000 Пенсияларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар; 22618000 Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- Кредит 23516000 - Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари.
- Дебет 17409000 - Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган маблағлар бўйича транзит ҳисобварақлар;
- Кредит 17101000- Валюта позицияси ҳисобварақлари.
- Дебет-23516000- Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари;
- Кредит-17409000-Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа туловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим булган пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлари.
- Дебет-17101840- валюта позицияси ҳисобварақлари;
- Кредит-23122840-Хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказилиши лозим бўлган маблағлар бўйича транзит

- ҳисобварақлар.
- Дебет-23122-840-;
  - Кредит-22618-840- Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар.

Резидент жисмоний шахс ёки ЯТТнинг ўзига тегишли бўлган халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини таркибий бўлинма орқали миллий валютага айирбошлашлари мумкин. Бунда таркибий бўлинманинг мутахассиси томонидан халқаро тўлов картасининг ҳақиқатда ушбу жисмоний шахсга ёки ЯТТга тегишлилиги эканлиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида текширилади.

Таркибий бўлинма резидент жисмоний шахснинг ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини операция амалга ошириладиган кундаги чет эл валютасини сотиб олиш курсига мувофиқ бажаради. Бунда резидент жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси доирасида, маблағлар тўлиқ ёки қисман миллий валютага айирбошланиши мумкин.

Тижорат банки резидент жисмоний шахсдан ёки ЯТТдан чет эл валютаси сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини резидент жисмоний шахсга ёки ЯТТга беради ва нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

### **3.Муддатли валюта операциялари аудити**

Своп битими тузилаётганда, ушбу битим кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида своп битими якунидаги айирбошлашга лозим бўлган валюта миқдорида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш орқали акс эттирилади:

а) агарда, банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини харид қилаётган бўлса:

Дт 92736 - "Своп шартларида сотиб олиш";

Кт 96373 - "Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи";

б) агарда, банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини сотаётган бўлса:

Дт 92732 - "Своп шартларида сотиш";

Кт 96371 - "Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи".

Сўм китобида қуйидаги ўтказма амалга оширилади (ёки иккита чет эл валютаси ўртасидаги своп битимида - чет эл валютаси китобида):

- Дт 17101 - "Валюта позицияси ҳисобварақлари";
- Кт 10301 - "Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан олинadиган - Ностро" (агар своп шартнома Марказий банк билан тузилган бўлса)

ёки

- 10501 - "Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақларидан олинadиган - Ностро" (агар своп шартнома бошқа тижорат банки билан тузилган бўлса)

ёки

- 20200 - "Талаб қилиб олинган депозитлар" (агар своп шартнома мижоз билан тузилган бўлса);

Ҳар ойнинг охириги иш куни, шунингдек своп битимлари ёпилганда, ваколатли банклар томонидан своп битимлари, валюта курсларининг ўзгариши натижасида олинadиган фойда ёки зарарни аниқлаш мақсадида, битим суммасини чет эл валютасини қайта баҳолаш санасига бўлган жорий курси ва своп битимининг якуний курси орасидаги фарққа кўпайтириш орқали қайта баҳоланади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

- а) агар қайта баҳолашда реализация қилинмаган фойда аниқланаётган бўлса:
- Дт 16913 - "Ревальвация натижасида реализация қилинмаган фойда - Своплар";
- Кт 45405 - "Ҳосилавий асбоблар билан тузилган битимлар бўйича хорижий валюталардаги фойда";

Своп шартнома ёпилгандан сўнг, бир вақтнинг ўзида, ваколатли банк мазкур битимни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ёпишни амалга оширади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) агар банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини харид қилган бўлса:

- Дт 96373 - "Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи";
- Кт 92736 - "Своп шартларида сотиб олиш";

б) агар банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини сотган бўлса:

- Дт 96371 - "Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи";
- Кт 92732 - "Своп шартларида сотиш".

## ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Туйчиев А., Кузиев И., Авлокулов А., Шеримбетов И., Авазов И. Аудит. Дарслик-Т.: "Iqtisod-Moliya", 2019 й. – 530 б.
2. Кузиев И., Туйчиев А., Хожиев М., Якубов М. Внутренний аудит. "IQTISOD-MOLIYA", 2019 г. – 421 стр."
3. Хамдамов Б., Илхомов Ш., Каримов Н., Машарипов О., Хожиев М. Амалий аудит. Дарслик-Т.: "Iqtisod-Moliya", 2021й. – 360 б.
4. Хамдамов Б.К. Аудит халқаро стандартлари: Дарслик -Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2020 й. – 290 б.
5. O'zbekiston Respublikasi «Auditorlik faoliyati to'g'risida»gi Qonuni (yangi tahriri). 2021 yil 25 fevral. O'RQ-677-son.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 4 avgustdagi qarori. «Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-5210-son Qarori. <http://lex.uz>
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi qarori «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4611 son Qarori. <http://lex.uz>
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3946-son Qarori. <http://lex.uz>
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17-yanvardagi "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar [strategiyasini](#)" faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili"da amalga oshirishga oid [davlat dasturi](#) to'g'risida"gi PF-5635-sonli Farmoni. <https://nrm.uz>
10. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 12 maydagi 274-sonli «Auditorlik tashkilotlari faoliyatining huquqiy asoslarini yanada takomillashtirishni ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarori. <http://lex.uz>
11. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018 yil 21 dekabrdagi "Auditor malaka sertifikatini berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3105 sonli buyrug'i. <http://lex.uz>
12. Audit va sifat nazoratining xalqaro standartlari. 2012. 1 qism, 3-jild. -T.: O'BAMA, 2014.-1049 b.
13. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni.
14. Arens A., Lobbek Dj. Audit. Per. s angl. pod red. Ya.V. Sokolova. - M.: Finansi i statistika, 2013. -560s.
15. Sheremet A.D., Suyts V.P. Audit. Uchebnik.- M.: INFRA-M, 2009. -456 s.
16. <http://www.gov.uz>. (O'zbekiston Respublikasi hukumat portali)
17. <http://www.mf.uz> (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi).

18. <http://www.ziyonet.uz> (Axborot ta'lim tarmog'i)
19. <http://www.lex.uz> (O'z. Resp. qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi).
20. <https://www.mf.uz> (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining rasmiy sayti).
21. <https://www.naab.uz> (O'zbekiston Respublikasi Buxgalterlar va auditorlar milliy asosiatsiyasining rasmiy sayti)
22. <https://www.stat.uz> (O'zbekiston Respublikasi Statistika qumitasining rasmiy sayti)
23. <https://www.uzaudit.uz>. (O'zbekiston Respublikasi Auditorlar palatasining rasmiy sayti)